

03-03/743
2025.28.11

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари



С.Ҳамраев
2025 йил “28” ноябрь

**Туман ҳокимлигида ўтказилган йиғилиши
БАЁНИ**

2025 йил “28” ноябрь

Раислик қилувчи:

Учқудуқ тумани

С.Ҳамраев—туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари

Иштирок этди:

Туман ҳокими
ўринбосарлари, масъул
ҳодимлар ҳамда корхона
ва ташкилот раҳбарлари

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш, “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали келиб тушган назоратдаги топшириқлар ижросини таъминлаш ва белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати муҳокамаси тўғрисида.

2. Навоий вилоят ҳокимлигининг 2025 йил 28 ноябрдаги 10-02/753-сонли йиғилиш баёнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш тўғрисида.

3. Бошқа масалалар.

(С.Ҳамраев, Н.Муратов, Э.Расулов, Н.Нажмиддинова, Д.Астанов, С.Муратов, М.Холмаматова, ... ва бошқалар, С.Ҳамраев)

Йиғилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Ҳамраев очиқ деб эълон қилди ва йиғилиш қатнашчиларини кун тартибидаги ижро интизомини мустаҳкамлаш, “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали келиб тушган хат, ҳужжатларнинг бугунги кундаги ижро ҳолати ҳамда Навоий вилоят ҳокимлигининг 2025 йил 28 ноябрдаги 10-02/753-сонли йиғилиш баёнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш тўғрисида таништириб, масъуллар томонидан олиб борилаётган ишлар, йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли Фармони ҳамда 31 майдаги ПҚ-5132-сонли қарори

ижросини таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси доимий муҳокама қилиниб келинаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ноябр ойи якунига қадар туман ҳокимлигига “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали келиб тушган, бажарилиши лозим бўлган 5 та ҳамда тизим орқали назоратга олинган 19 та, жами 24 та топшириқларни туман ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма масъуллари, тегишли корхона (ташкилот) раҳбарлари билан биргаликда тўлиқ ва сифатли бажариш талаб этилади.

Жумладан, туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-С.Ҳамраевда 6 та, туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Н.Муратовда – 8 та, туман ҳокимлиги қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари С.Муратовда- 7 та, туман ҳокими ўринбосари–инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи-Э.Расуловда- 1 та, туман ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Н.Нажмиддиновада- 1 та, туман ҳокимининг ўринбосари-қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи-Д.Астановда-1 та топшириқ кўриб чиқиш жараёнида эканлиги тўғрисида гапириб ўтди.

Тумандаги ташкилот ва муассасалар томонидан тизимдаги назоратга олинган 30 та топшириқ ижроси таъминланмаган.

Шундан, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида, туман солиқ инспекциясида, туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасасида -3 тадан, туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимида, туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида, “Худудгаз Навоий” газ таъминоти Учқудуқ туман газ бўлимида, туман Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида, “Навоий сув таъминоти”АЖ туман бўлимида -2 тадан, туман ғазначилик бўлимида, туман “Микрокредитбанк” АТБ банк хизматлари марказида, туман ахборот-кутубхона марказида, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерациясида, туман экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлимида, Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси Учқудуқ туман бўлими, туман ўрмон хўжалиги бўлимида, “Иссиқлик таъминоти” МЧЖ Учқудуқ туман филиалида, туман ғазначилик бўлимида, туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказида -1 тадан ташкил этади.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча тегишли масъулларга кўрсатма ва топшириқлар белгилаб берилди.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш иштирокчиларининг билдирган фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда йиғилиш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокими биринчи ўринбосарининг йиғилиш кун тартибига киритилган, ижро интизомини мустаҳкамлаш, “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими орқали келиб тушган, топшириқларнинг бугунги кундаги ижро

ҳолати ва Навоий вилоят ҳокимлигининг 2025 йил 28 ноябрдаги 10-02/753 сонли йиғилиш баёнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан билдирилган ахборот ҳамда топшириқлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ҳамраев, Муратов, Расулов, Нажмиддинова, С.Муратов, Астанов) ларга, тегишли барча масъуллар, ташкилот ва муассаса раҳбарларига :

“edo.ijro.uz” электрон тизимида ижроси ўз муддатида таъминланиши шарт бўлган барча топшириқлар ижросини тизимда белгиланган муддатларда таъминлаб, жорий йилнинг ноябрь ойи якунига қадар ўз муддатида бажарилиши шарт бўлган **24** та назоратдаги топшириқларнинг ижросини бажариб, ижро назоратидан олиш чораларини кўрсин;

3. Тумандаги тегишли ташкилот раҳбарларига:

“edo.ijro.uz” электрон тизими орқали бажарилмаган топшириқларнинг ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

Белгиланган топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган барча даражадаги раҳбар ходимларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Туман ҳокимлиги ижро интизоми назорати бўйича бош мутахассис М.Холмаматова:

ҳар ҳафтанинг душанба куни “Ҳокимлик соати” ва ҳафтанинг жума куни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳузурида ижро интизоми аҳволини танқидий муҳокама қилиб бориш учун тегишли маълумотларни киритиб борсин.

5. Ушбу йиғилиш баёни бандларида берилган топшириқлар ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосарлари ва таркибий бўлинма раҳбарлари зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди: М.Холмаматова